## • Партия турмуши: комитет иш услуби

# ТЕКШИРУВ ЭМАС, КУНДАЛИК ЁРДАМ

Музаффар Порсихонов Тошкент олий партия мактабини тамомлаб келгач, райкомда бироз ташкилий бўлим инструктори бўлиб ишлади. Бошланғич партия ташкилотлари ҳаёти билан у шунда яхшироқ танишган эди. Тез-тез колхоз ва совхозларда бўлар, секретарлар, оддий коммунистлар билан суҳбатлашар, уларнинг таклиф ва мулоҳазаларини чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қиларди.

Ўйлаб қараса гўё ҳамманинг гапи бир жойдан чиқаётгандек. Райком ходимлари ҳафтанинг маълум кунларида хўжаликларда бир-бир бўлсалар ҳам, лекин уларнинг амалий ёрдами сезилмасди.

Шу орада район партия конференциясига тайёргарлик бошланиб, бўлим ходимлари бошланғич партия ташкилотларига умуман чиқмай ҳам қўйишди. Шунинг учун ҳам конференцияда райком аппарати ходимлари адресига аччиқ-аччиқ танқидий гаплар айтилди. Уларни ишнинг кабинет усулидан воз кечишга, кўпроқ жойларда бўлиб, бошланғич ва цех партия ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатишга даъват этишди. Бу таъналарни Музаффар худди ўз адресига айтилаётгандек қабул қилди, чунки у конференцияда район партия комитети ташкилий бўлим мудири этиб тасдиқланганди. Энди бўлим ишини бутунлай қайта қуриш керак, эди.

Конференциядан сўнг бўлим ходимлари таклифи билан район партия комитети аппаратида аттестация бошланди. Аппарат ходимлари иш услуби шу жараёнда яна ҳам чуқурроқ ўрганилди. Ўзаро маслаҳатдан сўнг бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини чуқурроқ ўрганиш мақсадида жойларда райком кунини ўтказишга қарор қилинди. Шу куни район партия комитети аппарати ходимлари куни бўйи белгиланган хўжаликда бўлиб, бошланғич партия ташкилоти фаолияти билан атрофлича танишадилар, ички партиявий ва идеология ишларини йўлга қўйишда партия ташкилоти секретарига, сайлаб қўйилган активларга амалий ёрдам кўрсатадиган бўлишди.

Биринчи бўлиб «Кремль» совхози танланди. Чунки совхоз партия ташкилоти секретарлари кейинги пайтда тез-тез ўзгариб, партиявий ва идеологик ишлар анча бўшашиб кетган эди. Бу ерда дастлаб Тўхтамурод Иброхимов секретарь бўлиб ишлади. Кейин коммунистлар хоҳиши билан у ўз ўрнини Собир Иномжоновга бўшатиб берди. Лекин у ҳам кўп ишлай олмади. Ҳисобот-сайлов йиғилишида илгари райком аппаратида ишлаган Абдураим Валиев секретарликка сайланди.

Секретарлар ўзгарарди-ю, аммо совхозда ишлар ўзгармасди. Бунинг сабаблари совхозда ўтказилган райком кунида ойнадек равшан бўлди қўйди. Райком ходимлари ўша куни ишни партком фаолиятини ўрганишдан бошлашди. Иш плани ниҳоятда юзаки тузилган эди. Хўжалик ишлари тилга олингану, аммо ташкилий-партиявий, идеологик ишлар эътибордан четда қолдирилганди. Қўйилган вазифаларни бажарувчи кишилар ҳам аниқ белгиланмаган. Партиявий топшириқларни тақсимлашда тартиб йўқ.

Шу куни совхоз касаба союз комитети раиси, партком аъзоси В. И. Аляпинга уруш ва меҳнат ветеранлари кенгаши ишини жонлантириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, социал ҳаёт билан шуғулланиш вазифалари юкланди. Район партия комитетининг ўтган йил июнь ойида бўлиб ўтган пленумида уй-жой программасини ҳал этиш масаласи муҳокама қилинган эди. Лекин партком аъзолари ва оддий коммунистлар билан ўтказилган суҳбатлар давомида бу масала партия ташкилоти эътиборидан четда қолганлиги маълум бўлди. Шу боисдан райком пленуми якунларини коммунистлар йиғилишида алоҳида кўриб чиқиш тавсия этилди. Бу масала устидан назорат ўрнатиш райком масъул ташкилотчиси Шерали Қўчқоровга топширилди.

Совхозда ўтказилган райком кунида коллектив ҳаёти комплекс тарзда ўрганилди. Фельдшерлик-акушерлик пункти ўша кезларда кўмирнинг йўқлиги учун иситилмаётган эди. Бўлимлараро телефон алоқаси ҳам узилганди. Дарҳол бу ишга район бош мутахассислари жалб этилди. Улар ёрдами билан кўмир ҳам келтирилди, телефон алоқаси ҳам ўрнатилди.

Район партия комитетининг янгича иш услуби бошланғич партия ташкилоти секретарларига жуда ҳам маъқул тушди. Чунки райком кунида ишлар илгаригидек ревизия қилинмай кўпроқ амалий ёрдам кўрсатиларди, дўқ-пўписа қилинмай ишга ёрдам берувчи самимий суҳбатлар бўларди. Шундан кейин секретарларнинг ўзлари райком аппарати ходимларини ўз хўжаликларига таклиф эта бошлашди.

Яқинда шундай учрашув «Ленинизм» колхозида бўлди. Қишлоқ амбулаторияси иши билан райком инструктори Шокир Турдиев шуғулланди. Амбулаториянинг ремонтга муҳтожлиги шундай кўриниб турарди. Инструктор мавжуд аҳволни колхоз раиси Қодир Элчибоевга кўрсатди. Ўшанда у изза бўлиб, амбулатория ремонтини тезда бошлашга ваъда берди.

Колхозда уй-жой программасини бажаришда ҳам шошилинч чоралар кўриш талаб этиларди. Лекин бу муҳим масала кейинги пайтларда партия йиғилишларида бирор марта ҳам кўриб чиқилмаган экан. Шу боисдан ҳам навбатдаги йиғилишларнинг бирида колхозчиларни уй-жой билан таъминлаш соҳасидаги вазифалар алоҳида муҳокама қилинадиган бўлди.

Коммунистлар ўртасида партиявий топшириқлар қандай тақсимланаётганлиги ҳам кўриб чиқилди. Колхоз раисининг маданий ишлар бўйича ўринбосари Саидаҳмад Шарафхонов зиммасига бирйўла учта топшириқ юкланган экан. У колхоз партия комитети секретарининг ўринбосари, идора цех партия ташкилоти секретари, пропагандист сифатида елиб югурарди-ю, аммо топшириқларнинг бирортасини ҳам кўнгилдагидек бажаришга улгуролмасди. Қўша-қўша топшириққа эга бўлган коммунистлар бошқа участкаларда ҳам бор эди. Шундан кейин партия топшириқлари тақсимоти қайтадан кўриб чиқилди. Ҳар бир коммунист ўз зиммасига биттадан топшириқ олиб, уни сифатли бажаришга киришди.

Бўлиб ўтаётган райком кунлари якуни кечқурун ўша жойнинг ўзида муҳокама қилиниб, аниқланган камчиликларни тугатиш бўйича амалий тадбирлар белгиланмоқда. Муҳокамаларда райком секретарларидан тортиб, райондаги хизмат кўрсатиш тармоқлари раҳбарларигача иштирок этишяпти. Шу кунгача 11 та хўжаликда райком куни ўтказилди. Жойларда бўлаётган бевосита мулоқотлар кўпгина муаммоларни аниқлашга ва уларни бартараф этиш юзасидан амалий чоралар кўриш имконини беряпти.

— Эндиликда пленумларни ўтказишга ҳам янгича ёндашаяпмиз,— дейди Бўка район партия комитети ташкилий бўлими мудири Музаффар Порсихонов.— Ҳозир КПСС Марказий Комитети март Пленуми якунларини муҳокама қилишга тайёргарлик кўраяпмиз. Бу пленумда партия аграр сиёсатини амалга ошириш бўйича район партия ташкилотининг вазифалари аниқ белгилаб олинади. Пленум жонли ва қизиқарли бўлиши учун олдиндан сайлаб қўйилган активларга анкета тарқатдик. Унда Озиқ-овқат программасини бажаришга кўмаклашувчи таклифлар сўралган эди. Анкета саволларига ҳар куни жавоблар келаяпти. Активларимиз хаёлга келмаган кўпгина муҳим таклифларни баён этмоқдалар.

М. Порсихонов бизни Ленин қишлоқ Совети раиси Эркин Жўраев йўллаган жавоб билан таништирди. У пахта уруғчилигини ривожлантиришга кўмаклашувчи таклифни ўртага ташлаган эди. Унинг таклифи бўйича «Партия XIX съезди» колхозини уруғлик пахта етиштиришга ихтисослаштириш мумкин. Бу зонада аҳоли зич жойлашган. Етиштирилган ҳосилни уринтирмай қўлда териб олиш мумкин. Пахта монокультурасини тугатиш ҳисобига яйловларни кенгайтириш ҳам таклиф этилган эди. Чунки ҳозир хонадонларда мол сақлаш имкони йўқ. Ҳар уч хонадоннинг бирида сигир бор холос. Томорқаларда фақат помидор эмас, сабзавот, полиз, мева ҳам етиштиришни ўйлаш керак. Бунинг учун эса мевали дарахт кўчатлари етиштириладиган кўчатзорлар ташкил этиш зарур. Шунда боғлар кўпайиб, дастурхонимиз хўл мевага тўкин бўлади, нарх-наво пасаяди. Бундан ташқари ҳар бир пахтачилик хўжалигида картошка етиштириладиган алоҳида бригада ҳам ташкил этиш фойдадан холи бўлмайди.

Шунга ўхшаш таклифлар район партия комитетига келиб турибди. Улардан, албатта, пленумда қилинадиган докладда фойдаланилади. Омма билан бамаслаҳат ўтказилаётган тадбирлар қишлоқ партия ташкилотлари обрў-эътиборини яна ҳам ошираяпти. Партиявий ишларни давр талаблари асосида қайта қуриш сиёсий ва тарбиявий ишларни муваффақиятли ҳал этишга катта ёрдам бераяпти.

**Ж. НОСИРОВ,**
**Бўка райони.**

ЎЗБЕКИСТОН — ҚОЗОҒИСТОН — ТОЖИКИСТОН

# ОҒА-ИНИ ТУТИНИШДИ

Оржоникидзе районида истиқомат қилаётган аҳолининг 18 проценти қозоқ миллатига мансуб. Уларнинг талаб ва эҳтиёжи ҳисобга олиниб, яқинда Чимкент областининг Сайрам райони билан дўстлик алоқалари ўрнатилди.

Оржоникидзе райони вакиллари Сайрам районида бўлишиб, у ерда истиқомат қилаётган ўзбеклар ва қозоқлар ҳаёти ва меҳнати билан танишдилар, «Победа» колхозида бўлишганда уларга бир қатор янгиликларни сўзлаб беришди. Колхоз асосан чорвачиликка ихтисослашган. Ҳар йили 5 миллион сўмга яқин соф даромад олаяпти. Ҳар бош сигирдан соғиб олинаётган сут миқдори 3,5 минг килограммга тўғри келмоқда. Хўжаликда мўйна тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган. Улар маҳсулотни халқаро бозорларга чиқариш чораларини кўришяпти.

Орадан кўп ўтмай сайрамлик меҳмонлар Оржоникидзе районига ташриф буюришди. Бу ерда дўстлар Наврўз байрамини биргалашиб ўтказишди. Савдо ярмаркаси уюштирилди, бадиий ҳаваскорларнинг чиқишлари бўлди. Наврўз баҳонасида ўзбек ва қозоқ биродарларнинг дўстлиги яна ҳам мустаҳкамланди.

Ўзаро учрашувлар пайтида бир қатор таклифлар ўртага ташланди. Район газеталарининг қўшма сонларини чиқариш, пионер лагерларида қўшни район ўқувчиларининг дам олишини уюштириш, ўзаро иқтисодий ёрдам кўрсатиш бўйича тушган таклифлар ҳар иккала томонга маъқул бўлди.

**Ш. СИДДИҚХЎЖАЕВ.**

# «САНАМЁР» ШОДЛИК УЛАШДИ

Илгарилари Бўка райони меҳнаткашлари Тожикистоннинг Мастчоҳ райони пахтакорлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатишган эди. Энди Пролетар райони меҳнаткашлари билан дўстлашишди. Яқинда тожикистонлик меҳмонлар Бўка районида меҳмон бўлишди. Меҳмонларнинг кўпчилиги донгдор Ленин номли колхоздан эди. Хўжаликда социал муаммолар муваффақиятли ҳал этилмоқда. Замонавий посёлка, маданий-маиший объектлар қурилишига алоҳида эътибор берилди. Маданий турмуш даражаси ошиб бораяпти.

Меҳмонлар билан бирга колхознинг «Санамёр» ансамбли аъзолари ҳам келишган эди. Улар «Ленинобод» колхозининг Инобат Ҳожибекова бошлиқ бригадаси дала шийпонида қизиқарли программада концерт қўйиб беришди. Ансамблга таниқли санъаткор Сайдулла Матқулов раҳбарлик қилмоқда. Санъат шинавандалари меҳмонлар ижросидаги ўзбекча ва тожикча ашулаларни мароқ билан тинглашди. Айниқса Фозилжон Салимов, Абдалим Азимов каби хонандаларнинг чиқишлари манзур бўлди. Ансамбль халқ лапарларини ҳам маҳорат билан ижро этди.

Таниқли ҳажвчи ва қизиқчи Ҳожибой Тожибоев бошлиқ яна бир группа санъаткорлар эса Бўка шаҳри меҳнаткашлари учун концерт қўйиб беришди. Бундай учрашувлар ҳар иккала халқ санъати ва маданиятини чуқурроқ ўрганиш имконини бермоқда.

**А. ЙЎЛДОШЕВ.**

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

# ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИ— ҲАММАНИНГ ИШИ

Паркент район партия комитетининг бўлиб ўтган пленумида КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорлари асосида партия аграр сиёсатини амалга ошириш соҳасидаги вазифалар муҳокама қилинди.

Пленумда қилинадиган доклад тезислари барвақт район газетаси саҳифаларида эълон қилинган эди. Шу боисдан район партия комитетининг биринчи секретари И. И. Салимов пленумни қисқача кириш нутқи билан очди.

Пленумда сўзга чиққан Энгельс номли совхоз директори К. Иброҳимов, Калинин номли совхоз партия комитетининг секретари С. Фазлиддинов, «Прогресс» совхози бош зоотехниги А. Ким ва бошқа ўртоқлар Озиқ-овқат программасини ҳал этиш йўлида қурилаётган тадбирлар, бу соҳадаги мавжуд муаммолар ҳақида тўхталдилар.

Пленум қатнашчилари район меҳнаткашларига қарата қабул қилган мурожаатномада ҳозирги қийин об-ҳаво шароитида янада активлик ва уюшқоқлик кўрсатишга, табиий офат оқибатларини тадбиркорлик билан енгишга даъват этилади.

Пленумда коммунистлар томонидан билдирилган танқидий фикр ва мулоҳазаларни бартараф этиш юзасидан кўрилган тадбирлар тўғрисида ахборот тингланди, 1989—1991 йилда район агросаноат комплексини ривожлантириш юзасидан белгиланган чора-тадбирлар тасдиқланди.

**М. ТОИРОВ.**



Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Микробиология институти олимлари қатор илмий тадқиқотларни ҳал этиш билан изчил шуғулланмоқдалар. Уларнинг изланишлари натижалари халқ хўжалигида кенг қўлланилаётир. Суратда: биохимия ва биотехнология лабораториясининг катта илмий ходимлари (чапдан) Жумабой Сафиязов, Тошхон Ғуломова ва кичик илмий ходим Дилором Рўзиевалар ўтказилган тажриба тўғрисида суҳбатлашишмоқда.

Суратни Т. КАРИМОВ олган.

ҲЕЧ КИМ, ҲЕЧ НАРСА УНУТИЛМАЙДИ

# Қаҳрамон номи берилди

ШУ йилнинг 4 февралида «Меҳнат байроғи» газетасида Пискент районидаги Тельман номли колхоз бир группа меҳнаткашларининг таниқли пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳакимполвон Қодировнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари эълон қилинган эди. Уларнинг мурожаати эътиборсиз қолмади.

Район партия ва ижроия комитети Ленин, Меҳнат Қизил Байроқ орденлари, Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг олтин медали соҳиби, бир неча марта Ўзбекистон ССР Олий Совети, область, район Советларининг депутати қилиб сайланган Ҳакимполвон Қодировнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилди. Тельман номли колхоздаги 27-ўрта мактабга унинг номи берилди.

— Мен Ҳ. Қодиров билан 1973 йилдан бошлаб умрининг охиригача кўп марта мулоқотда бўлганман, — дейди Янгийўлдаги «Партия XXI съезди» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Мараҳимов. — Биз пахтачиликни ривожлантириш муаммолари тўғрисида тез-тез фикр алмашиб турардик. У бу борада маълумотга эга бўлмаса-да, уни «пахта академиги» дердик. Шундай инсоннинг хотираси тикланаётганидан жуда мамнунман.

Мактабга унинг номи берилишига бағишланган йиғилишда отанинг жуда кўп сафдошлари, шогирдлари сўзга чиқдилар.

**Қ. АРСЛОНОВА.**

САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛИГИДА

## *Медицина санитария қисми очилди*

Олмалиқ химия заводи яқинида жойлашган йирик микрорайон аҳолиси учун медицина хизмати кўрсатиш муаммосини шу корхонада ишга туширилган медицина-санитария қисми ҳал қилиб берди.

Баланд бинога поликлиника ва 160 ўринли терапия ҳамда лорингология бўлимлари мавжуд стационар жойлашди. Кабинетлар энг янги диагностика ва физиотерапия асбоб-ускуналари билан жиҳозланган.

Медицина-санитария қисми химия заводи ишчиларидан ташқари, уларнинг оила аъзоларига ҳам хизмат қилади. Уни қуриш ва асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун бир миллион сўмдан кўпроқ маблағни Олмалиқ кимёгарлари ўз фойдасидан ажратиб бердилар.

**(ЎзТАГ мухбири).**

*• Социал тадқиқот якунларини маълум қиламиз*

# ҒАМХЎРЛИК ИЗЧИЛ ВА АМАЛИЙ БЎЛСИН

**ЭСЛАТИБ ўтамиз, «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарининг шу йил 20 январь сонида уруш ва меҳнат ветеранларидан жавоб беришларини илтимос қилиб, ўн битта саволдан иборат анкета эълон қилинган эди. Область меҳнат ва социал таъминот бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказилган бу социал тадқиқот кутилганидан ҳам зиёд натижа берди.**

**Анкета саволларига областнинг турли шаҳар ва районларидан мингга яқин кишидан жавоб олинди. Шуниси диққатга сазоворки, хат йўллаган ветеранларнинг кўпчилиги анкета саволларига «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб бериб қўя қолмай, асосли танқидий фикр-мулоҳазаларини, амалий таклифларини ҳам хатларига илова қилганлар.**

**Бундан ташқари бевосита шаҳар ва район социал таъминот бўлимларидан келган мактублар уларнинг иш услуб ва методлари борасида кутилмаган янгиликларни юзага чиқарди. Шунга қарамай, «Ғамхўрлик» шиори остида ўтказилган социал тадқиқот натижаларини умумлаштириш учун ҳам анчагина тер тўкиб ишлашга тўғри келади. Бугун эса биз кўпроқ қизиқиш уйғотаётган айрим муаммоларга тўхталмоқчимиз.**

АВВАЛО шуни таъкидлаш керакки, анкетадаги ўн битта саволдан бирортасига юз фоиз «ҳа» жавоби олинмади. Демак, социал таъминот соҳасида бирорта ҳам хизмат тури йўқки, уни ветеранлар маъқулласинлар. Хат муаллифларининг 68,8 фоизи соғлиқни сақлаш, уй-жой-коммунал хўжалиги, савдо, маиший хизмат ва бошқа соҳаларда ўзлари учун белгилаб қўйилган имтиёзлардан фойдаланишда қийналаётганликларини маълум қилади. 21,9 фоиз ветеранлар оталиқ ташкилотларидан ранжиганлар. 14,9 фоиз ветеранларнинг эса бевосита социал таъминот бўлимларининг ўзига даъволари бор.

Хат йўллаган кишилардан 13,8 фоизининг пенсия қонунчилиги асосларини билмаслиги ҳам ташвишли ҳолдир. Жойларда юз бераётган тушунмовчиликлар, чалкашликлар, норозиликлар шундан. Корхона, ташкилот ва муассаса маъмуриятлари вакилларининг зарур ҳужжатларни расмийлаштиришда ветеранларга ёрдам бермаётганликлари ҳам юқорида айтилган нуқсонларнинг янада чуқурлашувига олиб келаяпти.

Оққўрғон, Бўстонлиқ, Ғалаба, Пискент районлари ва Янгийўл шаҳри ветеранларида шикоятлар айниқса кўп тўпланиб қолган бўлса, Калинин, Коммунистик, Тошкент, Паркент районларидан бирорта хат келмади.

Социал тадқиқот яна бир кутилмаган янгиликни юзага чиқарди: пенсия белгилаш ва тўлаш бўйича яқинда тузилган область маркази пенсионерлар ўртасида низо қўзғатди. Айримлар бу марказни йўқотиб, бухгалтерия ҳисобининг эскича тартибига қайтишни қатъийлик билан талаб қилишса, бошқалар пул муомаласидаги чалкашликлар учун айбни алоқа ходимларига тўнкашади. Бизнингча, асосий иллат бошқа ёқда. Бир томондан марказ ходимлари ўз вазифалари нималардан иборат эканлигини аниқ тушуниб олмаганлар, иккинчи томондан алоқачилар ҳам қиёфасини ўзгартирган янги иборага кўника олмаяптилар. Аммо мақсад айбнинг кимда эканлигини аниқлаш эмас, балки ишни тўғри йўлга қўйишдир.

Меҳнат ва ижтимоий ҳаётдан холи, қизиқарли муқим машғулоти йўқ, кўпинча моддий қийинчиликларга дуч келиб турадиган пенсионерларнинг нолали хатлари, айниқса, кўп. Улар, табиийки, кўпчилик билан доимо алоқа ва мулоқотда бўлишга, бирор тайинли ерда муқим ишлашга, кўмакчи топишга интиладилар. «Пенсионерлар клублари, ўзаро ёрдам кассалари зарур», дея талаб қилади Ангрен шаҳрида яшовчи Ф. Богданова, «Нима учун инвалидлар жамиятини тузиш мумкин эмас», — таъкидлайди яна бир оққўрғонлик хат муаллифи. «Қишлоқ жойларда катта бўлмаган, аммо қулай уйлар қурилишини, ёлғиз кишиларнинг бу уйларда биргаликда иноқ яшашларини истардик», дейди бошқаси.

Ғазалкентлик олти нафар қўшни аёлнинг биргалашиб ёзган 9 варақли хати ҳам диққатга сазовордир. «Бизнинг ёшимиздаги одамларнинг кўпчилиги қўлидан анча-мунча иш келиши мумкин, — деб ёзишади улар. — Кўпчилик тикиш, тўқиш, дурадгорлик қилиш, йигиришни билади. Аммо кооперативларга бизнинг меҳнатимиз керак эмас, чунки кексалар ғайрат ва ташаббус билан ишлолмайдилар, кун бўйи ишлашга ҳам қувватлари етмайди. Район маиший хизмат корхонаси эса бизнинг баҳоли қудрат кучимиздан фойдаланса бўларди. Кимдир цехда, кимдир уйида, лекин кучи етганча, ишлайди». Шу райондан Х. Шерматова ўз хатида «Маҳсулотларни ўраш цехини очиш керак» деб бу фикрни қувватлайди. Олмалиқлик А. Соловьева эса пенсионер-инвалидлар учун кооперативлар очиш тарафдори.

Бу ерда ҳар ким ўзича ҳақдир. Чунончи, пенсияга чиққан соғлом кишиларнинг меҳнатга яроқлилигини ўрганиш (Ғалаба районидан хат), махсус корхоналар қуриш (Чирчиқдан II группа инвалиди Э. Меметова), иш куни тўлиқ бўлмаган цехлар очиш (Янгийўлдан хат) хусусидаги таклифлар эътиборга лойиқ. Сирасини айтганда қариялар анчадан бери айтиб келинаётган, аммо амалга ошмаётган таклифларни такрорлашмоқда.

Ғазалкентлик аёлларнинг биргаликда ёзган хатларида социал таъминот органлари структурасини ва унга оид қонунларни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ҳам бор: «Социал таъминот бўлимларида ёлғиз пенсионерлар билан кунига бевосита ёки телефон орқали боғланиб, озиқ-овқат, дори-дармон сотиб олиб келиб берадиган ва умуман ҳолларидан хабар олиб турадиган хизмат турини очиш керак». Хўш, бу ҳақда нима дейиш мумкин? Қўшни аёллар областимизда 26 та социал ёрдам бўлими ишлаб турганлигидан, бу бўлим худди шундай юмушларни бажараётганлигидан бехабар бўлсалар керак. Аммо бор аҳволдан кўз юмиб бўлмайди, ҳамон кексалар хабарсиз эканлар, демак бундай бўлимлар ҳали кам ёки яхши ишламаяптилар. Балки ёлғиз кексаларни маиший хизмат тармоқларига имтиёзли шартлар асосида бириктириб қўйиш керакдир (Наримановдан келган хатдан).

Бир қатор анкеталардан ветеранларни «Улуғ Ватан уруши қатнашчиси», «Улуғ Ватан уруши инвалиди» ва урушга алоқаси йўқлар ёки шунчаки меҳнат ветерани сифатида фарқлашга ҳаракат қилинаётганлиги қайд этиладир. Наҳотки раҳм-шафқат ҳам тарозида тортилиб тақсимланса? Икки марта яраланган ва контузияга учраган чирчиқлик З. Иброҳимовнинг талаби аксинча, бироз ортиқча. У I ва II группа инвалидларга санатория, дам олиш уйи ва профилакторийлар учун оилавий йўлланма бериш ва бу билан чол-кампирларнинг бир-бирига кўмаклашишига шароит яратишни таклиф этади.

Жавоблардан маълумки, пенсионерлар, ветеранлар социал таъминотни яхшилаш масаласига бефарқ қарамайдилар, фикр-мулоҳаза ва таклифлар киритишга доим тайёрдирлар. Бироқ шу соҳа ходимларининг ўзлари-чи? Масалан, жойлардаги социал таъминот органлари эълон қилинган анкетага қандай муносабатда бўлдилар?

Афсуски бошқаларга ибрат қилиб кўрсатса арзийдиган бирорта дурустроқ тажриба йўқ. Турғунлик даврини эслатувчи мисоллар эса исталганча топилади. Мана, ўзингиз мушоҳада қилиб кўринг: «Янгиобод шаҳар социал таъминот бўлими маълум қиладики, — дея рапорт беради мудир С. Раҳмонов, — 1989 йил 15 февраль кундуз соат 3 да (?) шаҳар ижроия комитетининг кичик мажлислар залида (?) уруш ва меҳнат ветеранларининг йиғилиши бўлди. Кенгашда (?) газеталарда илова қилинган анкета бандма-банд муҳокама қилинди. 67 киши иштирок этди. Ҳамма тўлдирилган анкеталар бандлари билан таништирилди ва улар якдиллик билан розилик билдиришди».

Бу рапортдан келиб чиқадиган дастлабки хулоса шуки, янгиободлик пенсионерлар, ветеранлар анкетанинг ҳамма бандларига «ҳа» деб жавоб берган эканлар демак, уларнинг ҳеч қандай арз-шикоятлари йўқ, ҳаммаси жойида, шаҳар социал таъминот бўлимига эса катта раҳмат, ходимлар бенуқсон ишлашяпти.

Лекин кошки эди амалда шундай бўлса. Янгиободлик ветеранлардан келган хатлар орасида «...буткул иши расмиятчиликдан иборат, бундан кўра ходимларни тарқатиб юборган маъқул» мазмунидаги жавоблар ҳам бор. Бу гапда жон борга ўхшайди.

Чунки рапорт муаллифлари уни «область социал таъминот бўлимига» (?) юборишибди. Ахир бу ташкилотнинг область меҳнат ва социал таъминот бошқармасига айлантирилганига анча бўлди-ку! Қолаверса, анкета саволларига бутун бир шаҳар пенсионерлари ва ветеранлари номидан социал таъминот бўлимининг ўзи жавоб берганлиги ҳам ҳеч қандай мантиққа тўғри келмайди.

Бекобод район Пушкин қишлоқ Совети уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг раиси бор гапни очиқчасига айтиш ўрнига «Бекобод район социал таъминот бўлими ходимлари уруш ва меҳнат ветеранлари талаб-эҳтиёжларига катта эътибор билан қарамоқдалар» деган умумий гапдан нарига ўтмаган. Ҳолбуки ветеранларнинг ўзларидан келган мактубларда мутлақо аксинча фикрлар баён этилган. Мисоллар келтирайлик, Зафар посёлкасида истиқомат қилувчи собиқ ўқитувчи У. Раҳмонов бундан 15 йил илгари оғир касаллик туфайли пенсияга чиққан эди. Шунча йил ичида бирор мансабдор шахс унинг уйига келиб ҳолидан хабар олмади. Гўшанишинлик азобидан халос бўлиши учун бир юмуш билан таъминлашда ёрдам сўраб тегишли жойларга ўзи мурожаат этганда эса ундан қўл силтадилар, бу билан ҳам қониқмай, тинчгина дам олсангизчи, деб камситишди.

Социологик тадқиқот туфайли маълум бўлдики, бу соҳада хайрихоҳлар ҳам, яширинча тўғаноқ бўлишни хоҳловчилар ҳам, ҳатто анкетага тузатиш киритишни истаётганлар ҳам бор экан. Исми-шарифи ва адресини яширган муаллифлардан бири анкетанинг 5-бандига ўзгартиш киритишни таклиф этади. Жумладан, бу банднинг газетада эълон қилинган нусхаси қуйидагича эди: «Сизнинг талаб ва эҳтиёжларингиз қачон ва ким томонидан ўрганилди, конкрет ташкилот ва мансабдор шахсга қандай талаб билан мурожаат қилдингиз ва натижаси нима бўлди?» Хат муаллифи қуйидагича тузатиш киритади: «Баттолларнинг (исм-шарифлари ва мансабларини) аниқ кўрсатинг, ким сизга тўраларча муносабатда бўлаётир?».

Нима ҳам дейиш мумкин, масала шу тахлит қўйилса ҳам бўлаверади аслида, аммо социал тадқиқот ўтказишдан мақсад бошқачароқ эди.

Пировардида шуни ҳам тан олиш керакки, умуман анкета, жумладан, 5-банд лозим даражада аниқ қилиб тузилмаган эди. Бироқ шунга ҳаракат қилиняпти, муҳими ишни йўлга қўйиб олишдир. Ишонамизки, биргалашиб ҳаракат қилинса бунга, албатта, эришилади.

**Тадқиқот якунларини область меҳнат ва социал таъминот бошқармаси тайёрлади.**

